

## Акциядорлик тижорат Халқ банкининг Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими иштирокчилари учун “СМС-хабарнома” хизмат туридан фойдаланиш

### ТАРТИБИ

Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрдаги “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги, 2003 йил 30 августдаги “Банк сири тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1730-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2004 йил 21 декабрдаги 595-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 250-сон қарори талаблари асосида ишлаб чиқилган.

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Тартиб банк тизимида жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими иштирокчиларига янги, замонавий хизмат турлари кўламини кенгайтириш ҳамда ахборот-коммуникация соҳасидаги илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда зарур қулайликлар яратиш мақсадида мобил алоқа тизимларидан фойдаланишнинг умумий тартиб қоидаларини белгилаб беради.

2. Ушбу Тартибда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**банк** - Акциядорлик тижорат Халқ банки;

**мижоз** - жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими иштирокчиси бўлган жисмоний шахс;

**SMS** (инглизча SMS-short message service) – мижоз мобил алоқа тизими воситаларига жўнатиловчи реал вақт мобайнида банк томонидан маълум бир кўринишда шакллантирилган ва мижоз учун муҳим бўлган ахборотни ўзида жамлаган қисқа кўринишдаги хабар;

**“СМС-хабарнома” тизими** – банк мижозининг мобил алоқа воситаларига реал вақт мобайнида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари ҳаракати тўғрисида ҳамда банк ва мижоз ўртасидаги келишувга кўра бошқа турдаги СМС хабарларини жўнатиш имконини берувчи техник-дастурий тизим;

**мобил алоқа оператори** – мобил алоқа тармоқларидан фойдаланиш рухсатини бериб, банк ахборотини қайта ишлаш ва мижоз мобил алоқа воситасига қадар узатиш вазифасини бажарувчи ташкилот.

3. “СМС-хабарнома” хизмат тури мижознинг хоҳишига кўра исталган вақтда амалга оширилади.

4. Мазкур тизимни ишлаб чиқилишидан кўзланган мақсадлар:

а) ўз қулайлиги, мобиллиги ҳамда маълумотлар ва тизим иштирокчилари учун ҳисобрақамидаги маблағлар ҳаракатининг ҳимояланганлиги билан банк мижозлари талабларига жавоб берувчи масофавий банк хизматлари, жумладан “СМС-хабарнома” хизмат турини кўрсатиш;

б) “СМС-хабарнома” масофавий банк хизмат тури Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва қонун ости ҳужжатларида кўзда тутилган банк фаолиятига доир талабларга жавоб бериши;

в) “СМС-хабарнома” тизими ахборот ресурсларини рухсат этилмаган тарзда тарқалишидан ҳимоялаш;

г) банк тизимида ҳосил қилинган СМС хабарларини мижозга мобил алоқа оператори орқали тўғри, тўлиқ ва ўз вақтида етказиш;

д) “СМС-хабарнома” тизимидан фойдаланганда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни зудлик билан ҳал этиш.

## **II. Мижознинг банк томонидан рўйхатга олиниши**

5. “СМС-хабарнома” хизмат туридан фойдаланиш учун жамғариб бориладиган пенсия тизимида **ихтиёрийлик** асосида иштирок этаётган фуқаролар доимий яшаш жойидаги Халқ банки филиалига, **мажбурий** тартибда иштирок этаётган фуқаролар асосий иш жойи солиқ рўйхатига олинган жойдаги Халқ банкининг туман(шаҳар) филиалига ариза (1-илова) билан мурожаат қилади.

6. Ариза банк филиали раҳбарияти томонидан кўриб чиқилиб, маъқулланганидан сўнг банк филиалининг ушбу хизмат тури бўйича расман шуғулланадиган масъул ходими томонидан Халқ банкининг жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона маълумотлар электрон базасига мижознинг аризасидаги реквизитлари асосида тегишли маълумотлар киритилади.

7. “СМС-хабарнома” хизмат турини йўлга қўйиш билан боғлиқ муносабатлар банк билан мижоз ўртасида ўзаро тузиладиган шартнома (2-илова) ва амалдаги қонунчилик доирасида тартибга солинади.

Шартномани, бир томондан - мижоз, иккинчи томондан - банк филиалининг раҳбари имзолайди. Шартнома икки нусхада тузилади, улардан биттаси мижозга берилади, иккинчиси банк филиалида қолади.

Мижоз билан тузилган шартнома мазкур Тартибнинг 3-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ “СМС-хабарнома” хизматини кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатга олиш китобида рўйхатга олинади. Ушбу китоб рақамланган, ип ўтказиб тикилган, филиалнинг бошлиғи ва бош бухгалтери имзоси ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Шартнома рақами ва мижознинг аризасидаги реквизитлари Халқ банкининг жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона маълумотлар электрон базасидаги маълумотлар билан мос келиши бўйича банк филиали масъул ходими жавобгар ҳисобланади.

## **III. Ишлаш тартиби**

8. Мижоз банк базасига уланган кундан бошлаб, у томонидан тақдим этилган маълумотларга асосан банк дастурий таъминотида шакллантирилган “СМС-хабарнома” хабарларини ўз мобил алоқа воситаси орқали олиши мумкин.

9. Мижознинг шахсан ўзи мобил алоқа воситалари орқали қабул қилинган “СМС-хабарнома” хабарларининг сир сақланиши бўйича жавобгардир.

10. Мижозга унинг ҳисобварағидаги маблағлар тўғрисидаги маълумотлар, уяли алоқа воситаси орқали юборилган сўров асосида узлуксиз тарзда “СМС-хабарнома” хизмати кўрсатилади.

11. Банк филиали томонидан “СМС-хабарнома” хизмат туридан фойдаланишни йўлга қўйганлиги учун (мижоздан аризасини олиш, шартнома тузиш ва жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимининг ягона электрон маълумотлар базасидан рўйхатдан ўтказиш) мижоздан воситачилик хизмат ҳақи олинмайди.

## **IV. “СМС-хабарнома” хизмат тури билан боғлиқ харажатлар ҳисоби**

12. Банк томонидан мижозга, “СМС-хабарнома” хизмат туридан фойдаланиш учун жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими электрон маълумотлар базасида рўйхатга олинган заҳоти ҳамда йилига бир марта календарь йилнинг охири кунидаги ҳолати бўйича уларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги пенсия жамғармаси тўғрисида бепул СМС хабарлар юборилади.

13. Мазкур тартибнинг 12-бандида назарда тутилган ҳолатлардан бошқа ҳолларда, мижоз томонидан “СМС-хабарнома” хизмат туридан маълумотлар олиш учун юбориладиган СМС сўров хизмат ҳақи мижоз билан тузиладиган шартномада кўрсатиб ўтилган нарх бўйича мижознинг мобил ҳисобрақамидаги қолдиғидан мобил алоқа операторлари томонидан автоматик тарзда ечилади.

## **V. “СМС-хабарнома” тизими иш фаолиятини тўхтатилиши**

14. “СМС-хабарнома” хизматидан фойдаланиш жараёнида мижоз банк филиалига тақдим этган маълумотларнинг нотўғрилиги аниқланган вақтда ушбу каналнинг автоматик тарзда ёпилишига олиб келади. Бундай ҳолатда тизим фаолиятини тиклаш учун мижоз банк филиали раҳбари номига ариза билан мурожаат қилиши ҳамда тақдим этилган маълумотларни аниқлаштириши лозим. Шундан сўнг “СМС-хабарнома” тизими банкнинг масъул ходими томонидан очилади.

15. Банк филиали мижозни олдиндан огоҳлантирмасдан “СМС-хабарнома” тизимини шартномада кўрсатилган ҳолатларда ўчириб қўйиши мумкин.

## **VI. Хавфсизлик ва ахборотларни ҳимоя қилиш**

16. Мобил алоқа тармоқлари орқали мижознинг ҳисобрақамлари бўйича жўнатилган “СМС-хабарнома” хабарлар банкдаги жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона электрон маълумотлар базасида ахборот хавфсизлиги қоидаларига риоя этилган ҳолда сақланади.

17. “СМС-хабарнома” тизими орқали банк сирига оид ахборотларни учинчи шахсларга тақдим этилиш ҳоллари рўй бермаслиги учун Халқ банкининг туман (шаҳар) филиали жамғариб бориладиган пенсия ҳисобини юритиш ва назорат қилиш шўъба мудири/бўлим бошлиғи шахсан жавобгар ҳисобланади.

18. Мижоз томонидан шартномада кўрсатилган мобил телефон рақами ўзгарганда, йўқотилганда ёки рақамдан фойдаланилмаган ҳолларда 3 (уч) банк иш куни давомида шартномани бекор қилади ёки ўзгартириш киритади.